Анъанага мувофиқ журналимизнинг бу сониди ҳам жорий йилнинг келгуси ойлари (октябрь, ноябрь, декабрь)да нишонланадиган саналар ҳақида қисқача маълумотлар бермоқдамиз. Ундан Юртимиз ва жаҳон машҳур мутафаккирларининг таваллуд кунлари ҳам ўрин олган.



Сергей Есенин

## 3 октябрь

Машҳур рус шоири Сергей Есенин (1895 – 1925) таваллуд топган кун.

## 5 октябрь

Кинорежиссёр-оператор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Турди Нодиров (1936) туғилганининг 80 йиллиги.

Суҳандон, Ўзбекистон халқ артисти Қодир Тожиев (1921 – 2001) дунёга келган куннинг 95 йиллиги.



Христофор Колумб

## 9 октябрь

Испан денгизчиси ва саёҳатчи Христофор Колумб (1451 – 1506) таваллуд топган кун.

## 10 октябрь

Шоир Маъруф Жалил (1936 – 2004) туғилди.



Маъруф Жалил

## 12 октябрь

Италян опера кўшиқчиси – Лучано Паваротти (1935 – 2007) дунёга келган кун.


## 14 октябрь

Физик олим ва жамоат арбоби, Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги Пўлат Ҳабибуллаев (1936 – 2010) таваллудининг 80 йиллиги.

## 15 октябрь

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, II-жаҳон уруши қатнашчиси Иброҳим Раҳим (1916 – 2001) туғилган кунга 100 йил тўлди.

Ўзбекистон халқ артисти Михаил Мансуров (1916 – 1993) таваллудининг 100 йиллиги.



Лучано Паваротти

## 16 октябрь

Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби Ҳамдам Усмонов (1916 – 1994) дунёга келган куннинг 100 йиллиги.

**20 октябрь**

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов (1926 – 2009) таваллудининг 90 йиллиги.

**22 октябрь**

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач, инфекционист олим, Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги Исҳоқ Мусабоев (1910 – 2003) туғилган кун.

**24 октябрь**

Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги, физика-математика фанлари доктори, профессор Рамизулла Мўминов (1941) 75 ёшда.

**25 октябрь**

Ёзувчи, таржимашунос олим, филология фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Жуманиёз Шарипов (1911) дунёга келганининг 105 йиллиги.

**26 октябрь**

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган архитектор Леон Адамов (1929 – 2014) туғилган кун.

Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон бадий Академиясининг фахрий аъзоси Абдулҳақ Абдуллаев (1918 – 2001) туғилган кун.

**1 ноябрь**

Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги, иқтисод фанлари доктори, профессор Раъно Убайдуллаева (1936) 80 ёшда.

**7 ноябрь**

Ўзбекистон халқ артисти Наби Раҳимов (1911 – 1994) таваллудининг 105 йиллиги.

**8 ноябрь**

Россиялик таниқли олим, луғатшунос, кимёгар ва физик олим Михаил Ломоносов (1711–1965) таваллуд топган кун.

**10 ноябрь**

Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, биология фанлари доктори, профессор Ёлқин Тўрақулов (1916 – 2005) туғилган куннинг 100 йиллиги.

Ўзбекистон халқ артисти Обид Жалилов (1896 – 1963) таваллудининг 120 йиллиги.


**11 ноябрь**

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, кинооператор Темур Қаюмов (1941) 75 ёшда.

Театр рассоми, Ўзбекистон халқ рассоми Ҳамидулла Икромов (1919–1964) таваллуд топган кун.



Пўлат Ҳабибуллаев



Иброҳим Раҳим



Михаил Мансуров



Ҳамдам Усмонов



Одил Ёқубов



Наби Раҳимов



Обид Жалилов

**12 ноябрь**

Замонавий ҳайкалтарошлик асосчиларидан бири француз ҳайкалтароши Огюст Роден (1840 – 1917) таваллуд топган кун.

**13 ноябрь**

Машхур лирик шоир, қатагон қурбони Усмон Носир (1912 – 1944) дунёга келган кун.

**14 ноябрь**

Швеция ёзувчиси, дунёга машхур бир қатор болалар китобининг муаллифи Астрид Линдгрэн (1907 – 2002) таваллуд топган кун.




Огюст Роден

**18 ноябрь**

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тасдиқланган кун (1991).

**20 ноябрь**

Ўзбекистон ёзувчилар ва журналистлар уюшмаси аъзоси, ёзувчи ва таржимон Турғун Пўлат (1938 – 1974) туғилган кун.




Усмон Носир

**19 ноябрь**

Ҳиндистон сиёсат ва давлат арбоби Индира Ганди (1917 – 1984) таваллуд топган кун.

**21 ноябрь**

Бутунжаҳон саломатлик учун курашиш куни (1913).



Астрид Линдгрэн

**22 ноябрь**

Рус ёзувчиси, жамоат арбоби, Ўзбекистон халқ шоири Николай Тихонов (1896 – 1979) таваллудининг 120 йиллиги.


Россиялик ёзувчи, сценарист ва болалар китоблари муаллифи Эдуард Успенский (1937) туғилган кун.

**27 ноябрь**

Швед астрономи ва метеорологи Андерс Цельсий (1701 – 1744) туғилган кун.

**30 ноябрь**

Ўзбекистон халқ артисти, актёр ва режиссёр Турғун Азизов (1934) дунёга келган кун.



Николай Тихонов

**6 декабрь**

Ўзбекистон халқ артисти Хайрулла Саъдиев (1940) таваллуд топган кун.

**8 декабрь**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кун – умумхалқ байрами (1992).



Эдуард Успенский

**12 декабрь**

Қирғиз ёзувчиси ва давлат арбоби Чингиз Айтматов (1928 – 2008) таваллуд топган кун.

Таниқли француз ёзувчиси Гюстав Флобер (1821 – 1880) туғилган кун.

Ўзбекистон Фанлар Академияси президенти ва академиги, биология фанлари доктори, биоорганик кимё соҳаси олими, илм-фан ташкилотчиси ва жамоат арбоби Шавкат Салихов (1944) 72 ёшда.

### 14 декабрь

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги, адабиётшунос олим, файласуф, публицист, фалсафа фанлари доктори, профессор Воҳид Зоҳидов (1914–1983) дунёга келган кун.

### 15 декабрь

Адабиётшунос олим, Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Салоҳиддин Мамажонов (1931 – 2005) туғилган кун.

Ўзбекистон халқ артисти, созанда (доира), Қаҳрамон Дадаев (1936) 80 ёшда.

Ўзбекистон халқ артисти, опера кўшиқлар ижрочиси Саодат Қобулова (1925 – 2007) таваллуд топган кун.

### 17 декабрь

Ўзбекистон халқ артисти Ҳамза Умаров (1925 – 1987) дунёга келган кун.

### 19 декабрь

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Беғали Қосимов (1942 – 2004) туғилган кун.

### 26 декабрь

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги, техника фанлари доктори, профессор, геология ва тоғ-конлари соҳаси бўйича олим Ваҳоб Раҳимов (1934 – 2014) таваллуд топган кун.

### 28 декабрь

Шоир, драматург, жамоат арбоби, Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов (1936 – 2016) туғилган кун.

Композитор, созанда ва Ўзбекистон халқ артисти Зокиров Дони (1914 – 1985) таваллуд топган кун.

### 29 декабрь


Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги, физика-математика фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Акбар Отахўжаев (1926 – 1994) туғилган кун.

### 30 декабрь

Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон бадий Академияси фахрий аъзоси Абдулҳақ Абдуллаев (1918 – 2001) таваллуд топган кун. ■




Чингиз Айтматов




Гюстав Флобер




Салоҳиддин Мамажонов



Беғали Қосимов



Эркин Воҳидов



Абдулҳақ Абдуллаев

## КУТУБХОНАНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ҲАЁТИ



2016 йил 11 июль  
куни Ўзбекистон  
Миллий  
кутубхонаси  
фойесидида Шанхай  
шаҳри ҳақидаги  
фотосуратлар ва  
китоблар  
кўргазмаси  
очилиши бўлиб  
ўтди

» **М**амлакатимизнинг 25 йиллик мустақиллиги йилларида давлатимиз томонидан ёшларга, уларнинг ақлан ва жисмонан ўсишига катта эътибор ва ғамхўрликлар кўрсатилиб келинмоқда. Зеро, республикамызда вужудга келаятган иқтисодий-сиёсий ва маънавий-мафкуравий муҳитнинг соғломлашуви, миллий ҳаёт тарзи ва миллий фикрлаш тарзининг мустаҳкамланишига, ёшларда эса ўз Ватанини, ўзлигини англаш, аجدодларимиз томонидан яратилган моддий ва маънавий мерос билан фахрланиш туйғуси бунга асос бўлмоқда. Шу ўринда Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳам ёшларимизни Ватанга, халқига фидокор, мустақил фикрлайдиган, изланувчан, билимли, маънавиятли, баркамол, ахлоқий жиҳатдан мукамал қилиб тарбиялашда ва маърифатли кишилар этиб вояга етказишда ўз ҳисасини қўшиб келмоқда.

2016 йилнинг 3 чорагида ўтказилган муҳим саналар ва таниқли шахслар таваллудига бағишланган маънавий-маърифий кечалар, хотира кечалари, ижодий учрашувлар, давра суҳбатлари, китоблар ва фильмлар тақдими ҳақида маълумотга эга бўласиз.

### Июль

2016 йил 11 июль куни Ўзбекистон Миллий

кутубхонаси фойесидида Шанхай шаҳри ҳақидаги фотосуратлар ва китоблар кўргазмасининг тантанали очилиши бўлиб ўтди. Мазкур экспозиция Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамда Шанхай кутубхонаси томонидан амалга оширилаётган «Шанхайга йўл» лойиҳаси асосида ўтказилаётган маданий дастур доирасида ташкил этилган бўлиб, дунёнинг энг йirik шаҳарларидан бири – Шанхай шаҳрига бағишланган.

Лойиҳанинг асосий мақсади – фойдаланувчиларни Хитойнинг тарихи ва анъаналари, шунингдек, мамлакатнинг ҳозирги кунда эришган ютуқлари билан таништириш эди. Айни дамда «Шанхайга йўл» лойиҳаси 48 мамлакатда амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳа доирасида Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Хитой муаллифларининг 350 номдаги тилшунослик, адабиёт, туризм, маданият ва тарихга оид китобларини олди.

ХХР Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Сунь Лицзе кўргазма меҳмонларини қутлади ва унинг ташкил этилганлиги учун ўз миннатдорчилигини билдирди ва: «Биз Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан ҳамкорлик қилишдан мамнунмиз. Март ойида шу ерда замонавий хитой ёзувчиси Лао Шэнинг «Мушуклар шаҳри хотиралари» номли китобининг тақдими ўтказган эдик. Бугунги кўр-







газма Хитой билан, айнан, Шанхай шаҳри билан яқиндан танишиш имконини беради. Ярим ой аввал Хитой давлати раҳбари Си-Цзинь-пинь Ўзбекистонга ташриф буюриб, икки давлат раҳбарлари хитой – ўзбек ҳамкорлигининг ҳар томонлама стратегик муносабатларини ривожлантирувчи бир қатор қарорларни қабул қилдилар. Мазкур кўргазма Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги маданий алоқалар ривожига яна бир муҳим қадам бўлиб хизмат қилишига умид қиламиз», – деди.

Кўргазманинг тантанали очилишида Шанхай кутубхонаси раҳбарияти, шахсан, унинг директори Ву Цзянчонгнинг тадбир қатнашчиларига йўллаган мурожаати ўқиб эшиттирилди. Хитой, яҳудий ва бошқирд миллий маданий марказлар вакиллари эса байрам дастурини тақдим этдилар.

Кўргазмада Шанхай шаҳрининг тарихи, географияси, диққатга сазовор жойлари, маданий обидалари, бой миллий ва маданий анъаналари, маданияти, адабиёти ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар, шунингдек, Шанхайнинг бетакрор манзарали масканлари, осмонўпар бинолари тасвирланган фотосуратлар тақдим этилган.

### Август

19 август куни буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллигига бағишланган «Алишер Навоий» юбилей альбомининг тақдими бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққанлар Алишер Навоийнинг Шарқ маданияти ривожига қўшган ҳиссасини ва у қолдирган маънавий меросни алоҳида таъкидладилар, мазкур «Алишер Навоий» юбилей альбомининг яратилиш ғояси ва унинг Алишер Навоий адабий меросини асраб-авайлашда ва авлодларга етказишдаги аҳамияти ҳақида сўзладилар. «Мазкур альбом – «Москва тўпламларидаги Алишер Навоий асарларининг қўлёзма ва тошбосма нашрлари» («Рукописей и литографических изда-

ний произведений Алишер Навои в Московских собраниях») каталоги шоир, мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг 575 йиллик таваллудига бағишланган бўлиб, Хорижий адабиётлар кутубхонаси ва Россия ва Ўзбекистон дўстлиги ва ҳамкорлиги жамияти томонидан тайёрланди. Унда Москва шаҳри кутубхоналари ва музейларида сақланаётган XVIII – XIX арларга оид 14 қўлёзма ва XIX охири XX бошларига оид 12 тошбосма нашрлар тўпланган. Навоишунос олимлар академик А.Қаюмов ва профессор Д. Азимова, Республика байналмилал маданий маркази директори Н. Муҳаммадиевлар сўзга чиқиб, лойиҳа устида олиб борилган ишлар, унинг муаллифлари ва альбомнинг тузилиши тўғрисида гапирдилар.

23 август куни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган мусиқий кеча бўлиб ўтди. Тадбир бошқирд маданий маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда Ўзбекистонда яшовчи турли миллатлар маданияти ва санъати, миллий-маданий марказлари иштирок этди. Бошқирд маданий марказининг «Агидель» клуби томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда мустақиллик йилларида Ўзбекистонда тинчлик, фаровонликни таъминлаш ва бағрикенгликнинг қарор топишида Республика байналмилал маданият марказининг хизматлари алоҳида таъкидланди. «Ўзбекистонда истиқомат қилувчи турли миллат вакиллари мамлакатимизнинг ягона ва хилма-хил маданиятини шакллантириш, уни шаклан ва мазмунан бойитишда ўз муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Мустақиллик айёми, бу барчамизнинг байрамимиздир. Бу халқлар, маданиятлар, тиллар, миллий анъаналар ва урф-одатлар бирлиги кунидир. Бугунги маданиятлар ҳам-ҳанглиги байрами ўзбек халқининг этник бағрикенглиги, хайрихоҳлиги, меҳмондўстлиги намунасидир», – деб иштирокчилар ўз фикрларини билдирди. Мусиқий кеча доирасида ▶

19 август куни буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллигига бағишланган «Алишер Навоий» юбилей альбомининг тақдими бўлиб ўтди

23 август куни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган мусиқий кеча бўлиб ўтди

26 август куни анъанавий мумтоз мусиқа йўналиши хонандаси, Шашмақом кўшиқлари ижрочиси, Ўзбекистон халқ артисти Муҳаббат Шамаева билан ижодий учрашув бўлиб ўтди

6 сентябрь куни Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов таваллудининг 75 йиллиги муносабати билан «Ўткир қалам соҳиби» мавзусида хотира кечаси бўлиб ўтди

ёш рассом К. Магиярова чизган суратлар кўр-газмаси бўлиб ўтди. Байрам концертида «Агидель» бошқирд фольклор дастаси, «Радость» корейс ансамбли, «Легава» яхудий хореографик ансамбли, «Лаванда» украин ансамбли ва Тошкент шаҳри миллий-маданий маркази иштирокчилари томонидан шеърлар, миллий ашулалар ва рақслар ижро этилди.

26 август куни анъанавий мумтоз мусиқа йўналиши хонандаси, Шашмақом кўшиқлари ижрочиси, Ўзбекистон халқ артисти Муҳаббат Шамаева билан ижодий учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққанлар Муҳаббат Шамаеванинг сўнмас истеъдоди, хорижда ҳам олиб бораётган ижодий фаолияти ҳақида сўзладилар. У Ўзбекистон телерадиосида ташкил этилган мақомчилар ансамблида хонанда, кейинчалик эса эстрада хонандаси сифатида фаолият юритган. У айтган кўшиқлар кириб бормаган ўзбек хонадони йўк. Унинг 500 га яқин кўшиқлари Ўзбекистон радио ва телевидениесининг олтин фондидан жой олган. «Кўчалар», «Тошкент метросида», «Мирзачўл ёр-ёри», «Мохиғул» ва Бухоро яхудийлари халқ кўшиқлари ижодкор талантининг қанчалар ёрқин ва ранг-баранг бўлганидан далолатдир. У яратган кўшиқлар ҳамон тиллардан-тиллارга ўтиб келмоқда. Шамаева ижодининг хорижда ҳам обрў топиши кўшиқларнинг мукамал ишлаганида, замон ва макон танламаслигида. Бугунги кунда ҳам унинг мусиқий йўналишини кенг ёйиб, миллионлаб инсонларни бу қадимий мусиқа билан таништирамоқда ва шу билан ўзбек мумтоз мусиқаси сарҳадларини кенгайтирмақда. Ижодий учрашувда Муҳаббат Шамаева устозлари, дўстлари, ҳамкасблари ва шогирдлари шаънига кўплаб илиқ сўзлар айтди, сафар давомида орттирган таассуротлари билан ўртоқлашди. Ўзбекистонда амалга ошган ижобий ўзгаришлар ҳақида ҳаяжон ва ғурур билан сўзлади. Шунингдек, у ўз репертуаридан жой олган кў-

шиқларидан куйлаб берди. Ижодий учрашув доирасида Муҳаббат Шамаева ижодий фаолиятига бағишланган «Ойдин кўчалар» мавзусида китоб-расмли кўргазма ташкил этилди.

### Сентябрь

6 – 9 сентябрь кунлари «Очиқ эшиклар» ҳафталиги бўлиб ўтди. Мазкур тадбирдан кўзланган мақсад: фойдаланувчиларни Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг кенг имкониятлари ва хизмат кўрсатиш сифати билан таништириш эди. Ҳафталик доирасида фойдаланувчиларга кутубхона бўйлаб унинг имкониятлари ва ресурслари билан таништирувчи экскурсиялар, презентациялар, «Илмий ишлар базаси» билан ишлаш бўйича тренинглар ташкил этилди. «Очиқ эшиклар» ҳафталигида фойдаланувчилар Миллий кутубхонанинг ахборот ресурсларидан, яъни босма ва электрон нашрлардан ҳамда электрон ва анъанавий каталоглардан фойдаланиш, керакли ресурсларни излаш, уларга буюртмани расмийлаштириш, хорижий онлайн илмий-таълимий маълумотлар базаси имкониятлари ва улардан фойдаланиш қоидалари билан танишдилар. Шунингдек, инфокиоск ҳамда Интернет ва WI-FI хизматларидан фойдаланиш қоидалари билан ҳам танишдилар. Рўйхатга олиш тартиблари билан бошланган ва Миллий кутубхона китоб музейи, кўргазмалар зали, кафедралар, ўқув заллари, электрон каталоглар зали бўйлаб давом этган мазмунли ва батафсил экскурсия «Очиқ эшиклар» ҳафталигида келганларда катта таассурот қолдирди. Шунингдек, рўйхатдан ўтган 25 фойдаланувчига эсдалик совғалари топширилди.

6 сентябрь куни Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов таваллудининг 75 йиллиги муносабати билан «Ўткир қалам соҳиби» мавзусида хотира кечаси бўлиб ўтди. Тадбирда ёзувчилар, адабиётшунослар, филологлар, актёрлар, адибнинг маслақдошлари ва шогирдлари, шунингдек, Миллий кутубхона





фойдаланувчилари иштирок этдилар. Тадбирда адибнинг дўстлари Ўзбекистон халқ ёзувчиси, таржимон, ўткир қалам соҳиби Ўткир Ҳошимов ижоди, унинг асарларида ёритилган зиёлилар муаммолари, «Баҳор қайтмайди», «Дунёнинг ишлари», «Нур борки, соя бор», «Икки эшик ораси» каби асарларининг яратилиш тарихи ҳақида сўзладилар. Шогирдлари эса унинг камтарлик, ёрдамга тайёрлик ва очиқлик каби инсоний хислатларини алоҳида эътироф этдилар. Эл севган актёрлар адиб билан ижодий ҳамкорлиги ҳақида хотирлаган ва фильмларни суратга олиш майдонларида бўлиб ўтган қизиқарли воқеалар ҳақида сўзлаб берган бўлса, унинг оила аъзолари адибнинг оталик, боболик хислатлари ҳақида ҳикоя қилдилар. Тадбир доирасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси таваллудининг 75 йиллиги муносабати билан «Қалбларни забт этган адиб» мавзусида адабиётларнинг очиқ кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмага ташриф буюрганлар таниқли ёзувчи, жонкуяр ташкилотчи сифатида маданий жараёнларда фаол иштирок этган Ўткир Ҳошимовнинг ҳаёти, ижоди, унинг халқимиз ўртасида миллий ғоя тамойилларини кенг тарғиб этиб, ёшларни она юртга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда кўрсатган хизматлари билан яқиндан танишдилар.

7 сентябрь куни Ўзбекистон халқ артисти Ўлмас Алихўжаев таваллудининг 75 йиллигига бағишланган «Саҳнамиз Отабеги эди...» мавзусида хотира кечаси бўлиб ўтди ва «Қодирий орзу қилган қахрамон» мавзусида кўргазма очилди. Тадбирда «Ўзбеккино» Миллий агентлигининг вакиллари, таниқли режиссёр, оператор, актёрлар, Ўлмас Алихўжаевнинг яқинлари ва ҳамкасблари ҳамда Миллий кутубхона фойдаланувчилари қатнашдилар.

Тадбирга йиғилганлар Ўзбекистон халқ артисти Ў. Алихўжаев ижоди, у билан ҳамкорликда суратга тушган фильмлар, унинг ёш актёрларга берган ўғитлари ва унинг ҳатто

машҳурликка эришганда ҳам йўқотмаган инсонийлик хислатлари ҳақида сўзладилар. Унинг актёрлик ва педагогик маҳорати алоҳида таъкидланди. Ў. Алихўжаевнинг дўстлари ва касбдошлари талабалик ва театр гастроллари даврини хотирладилар, унинг барчага бирдай хушмуомала ва ёрдамга тайёр бўлганини, Ў. Алихўжаевнинг барча соҳаларда иқтидори, унинг расм чизиши, аккордеон, балалайка ва фортепиано чалиши ҳақида эсланди. Алихўжаевлар оиласи номидан сўзга чиққанлар хотира кечаси ташкилотчиларига миннатдорчилик билдирдилар. Кўргазмада Ў. Алихўжаевнинг роллар ижро этган асарлари, унинг фаолиятини ёритган журнал ва газеталардаги мақолалар, унинг фотосуратлари, ҳаёти ва ижоди тўғрисида маълумотлар келтирилган. Миллий кутубхона фойесида эса фотосуратлар кўргазмаси очилди.

20 сентябрь куни Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон Бадий Академияси раиси Акмал Нурнинг расмлар каталогининг тақдими ўтказилди. Тадбир аввалида Акмал Нур ижодига бағишланган ҳужжатли фильм намоиш этилди. Расмлар каталогига рассом ҳаётининг турли йилларда ишланган расмларини ўз ичига олади. Мазкур нашр китобхонларни рассомнинг ижоди, миллий маънавий қадриятларимиз, Ўзбекистон замонавий рангтаъсир санъати билан яқиндан таништиради. Ижодий учрашувда санъатшунослар, журналистлар, рассомнинг шогирдлари ва мухлислари сўзга чиқиб, Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Нур ижодининг ўзига хослиги, услуби, расмларининг персонажлари ва рассомнинг ўзбек халқининг миллий маданий меросини бойитишда ватанпарварлик қарашлари ҳақида сўзладилар. Санъатшунослик фанлари доктори К. Оқилова рассомнинг асрларига алоҳида урғу бериб: «Каталогда тақдим этилган ишлар, бу – бир ўзбек рассомининг ўзига хос автобиографияси, ижодининг шаклланиши, унинг ҳаёт тарзи ва ўй-фикрлари акси-

7 сентябрь куни Ўзбекистон халқ артисти Ўлмас Алихўжаев таваллудининг 75 йиллигига бағишланган «Саҳнамиз Отабеги эди...» мавзусида хотира кечаси бўлиб ўтди

20 сентябрь куни Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон Бадий Академияси раиси Акмал Нурнинг расмлар каталогининг тақдими ўтказилди

22 сентябрь  
куни тошкентлик  
ва чирчиқлик  
муаллифларнинг  
«Орзулар  
булутлари устида»  
мавзусида  
шеърий альманах  
тақдимоти бўлиб  
ўтди

23 сентябрь  
куни Ўзбекистон  
халқ ҳофизи  
Фахриддин Умаров  
таваллудининг 90  
йиллигига  
бағишланган  
хотира кечаси  
бўлиб ўтди

дир. Унинг ижод йўли, бу – тинимсиз изла-нишлар, ўз имкониятлари ва ҳақиқатини ахтаришдан иборатдир» – деди. Тадбирда Акмал Нур иштирокчиларнинг рассомни илҳомлантирадаган омиллар, келажакдаги ижодий режалари каби саволларига жавоб берди. Шу ўринда рассом Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фондларига ўзининг Туркия ва Италия давлатларида чоп этилган расмлар альманахини тақдим этди.

22 сентябрь куни тошкентлик ва чирчиқлик муаллифларнинг «Орзулар булутлари устида» мавзусида шеърий алманах тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбир «Истоки» адабий-ижодий бирлашмаси ва «Арча» муаллиф ашулачилик клуби билан ҳамкорликда ўтказилди. Тадбирда лойиҳа раҳбари, Алишер Навоий номидаги ДАКТ саҳналаштирувчи режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият арбоби, «Истоки» адабий-ижодий бирлашмаси раиси А.Слоним тадбир қатнашчиларини шеърий тўпلامдан жой олган шоирлар билан таништирди ва уларни янги китоб билан табриклади. Тузувчи-муҳаррир, шоир, публицист, блоггер С. Демидова шеърлар муаллифлари ижоди ҳақида тўхталди ва: «Шеърлар муаллифлари – турли касб эгалари. Лекин уларнинг ҳар бири шубҳасиз, ўз нутқ ва образлилик ифодасига эга ижодкордир. Ҳар бирининг шеърият дунёси, ички дунёси юксакликка, ёруғликка, яхшиликка интилиш, севги, орзу ва умид каби илоҳий ҳиссиётларни тараннум этишдан иборат. Шеъриятнинг асл шинавандалари, шаксиз, бу шеърий тўпلامдан ўрин олган шеърларни ва муаллифларнинг маҳоратини муносиб баҳолайдилар» – деди. Тақдимотда сўзга чиққан муаллифлар иштирокчилар саволларига жавоб бердилар, ўзлари, уларга илҳом бағишловчи омиллар ҳақида сўзлаб бердилар ва алманахдан ўрин олган шеърларидан ўқиб бердилар. «Арча» муаллиф ашулачилик клуби аъзоларининг кўшиқлари тадбирга ўзгача руҳ бағишлади.

23 сентябрь куни Ўзбекистон халқ ҳофизи Фахриддин Умаров таваллудининг 90 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда таниқли санъаткорлар, ҳофизнинг мухлислари ва шогирдлари, оила аъзолари, талабалари ҳамда Миллий кутубхона фойдаланувчилари қатнашдилар. Сўзга чиққанлар ўзбек миллий кўшиқчилик санъати ривожига салмоқли ҳисса қўшган улкан санъаткор, беназир ҳофиз, бастакор, устоз-мураббий Фахриддин Умаровнинг фидокорона меҳнати, унинг ўзбек миллий мусиқа санъати тарихида тутган ўрни ҳақида сўзладилар. Тадбирда ҳофиз ижодининг илмий таҳлили билан санъатшунос С. Бегматов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, радио бошловчи М. Муҳамедова, Ф.Умаров ижодига бағишланган фильм муаллифи Ўзбекистон телевидениеси фахрийси Д. Ҳамдамова сўзга чиқдилар. Тарих фанлари доктори, профессор Х.Ҳамидов Ф. Умаровнинг устозлик ва инсонийлик хислатларини таъкидлаб: «Фахриддин Умаров нафақат лирик кўшиқчилик борасида, балки кундалик ҳаётда ҳам, халқ билан мулоқотда, саҳнада ўзини тутишда, юриш-туришда, соз чалишда ҳам биз, шогирдларга ҳар доим ўрнатқувчилар. Улар жуда саховатли инсон эдилар ва биз шогирдларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлар эдилар» – деди. Хотира кечасида Ўзбекистон халқ ҳофизи, ўзбек лирик ижрочилик мактаби асосчиси Ф. Умаровнинг шогирдлари: Х. Умаров, Б. Тошмуҳамедов, М. Алимов, Т. Ниёзхонов ва Х. Ҳамидовлар устозлари ижро этган муҳаббат, садоқат, орзу, жасорат, ёшлик, гўзалликни тараннум этувчи кўшиқларини ижро этдилар.

27 сентябрь куни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Шукур Қурбоннинг 2016 йилда чоп этилган «Меҳрингга зорман», «Эркин Воҳидов сабоқлари» ва «Ҳикматлар анжумани» китоблари тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон мусулмонлар идораси





вакиллари, ёзувчилар, шоирлар, адабиётшунос олимлар, хонандалар ва кутубхона фойдаланувчилари иштирок этдилар.

Тошкент шаҳар бош имом хатиби Анвар қори Турсунов Шукур Қурбон шеърларининг маънавий-тарбиявий аҳамияти тўғрисида тўхталиб: «Шукур Қурбоннинг ижоди жонажон истиқлолимизни шарафловчи сонетлар, битиклар ва тўртликлардан иборат бўлишига қарамай, маънавиятимиз мероси бўлмиш ҳадиси шарифлар асосида ёзилган 1600 та тўртлиги адабиётимизда ўзига хос воқеа бўлди. Бунга ҳадисларни бадиий тарзда етказиб бера олган шоирнинг ўй-фикрлари мисол бўла олади. Шукур Қурбон Алишер Навоий асарларига ва шахсиятига кўп мурожаат этган шоирлардан биридир». Адабиётшунос

олим Омонулла Мадаев эса шоирнинг шеърлари мазмуни ҳақида гапириб ўтди. «Унинг шеърлари худди қофияга солинган қизиқарли воқеа каби ўқилади. У ҳазил-мутойибага бой, оддий ва барчага тушунарли тилда ёзилган» деб айтди.

Тадбирда шоира адиба Умирова, шоир Тўра Мирзолар шоирнинг ижоди ҳақида ўз фикрларини билдирдилар. Ўзбекистонда хизмат кўрсат артист Азим Муллахонов ва эстрада хонандаси Шухрат Дарё шоир билан ижодий ҳамкорлиги тўғрисида сўзладилар ва шоирнинг қаламига мансуб шеърларга басталанган кўшиқларидан куйлаб бердилар. Муаллиф йигилганларга, тадбир ташкилотчиларига ўз миннатдорчилигини изҳор этиб, ўз ижодидан намуналар ўқиб берди.

27 сентябрь куни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Шукур Қурбоннинг 2016 йилда чоп этилган «Меҳрингга зорман», «Эркин Воҳидов сабоқлари» ва «Ҳикматлар анжумани» китоблари тақдими бўлиб ўтди

*За 25 лет Независимости государством было уделено большое внимание полноценному интеллектуальному и физическому развитию молодёжи; так как создание здоровой экономическо-политической и духовно-идеологической среды, а также благоприятных условий – залог стабильного развития всестороннеразвитого поколения.*

*Национальная библиотека Узбекистана имени Алишера Навои прикладывает все усилия для воспитания одарённой, образованной, преданной своей Родине и духовно-нравственным принципам молодёжи. В данной статье рассказывается о проведённых в третьем квартале 2016 года социокультурных мероприятиях, в которые вошли книжно-иллюстративные выставки, посвящённые известным личностям и знаменательным датам, вечера памяти, творческие встречи, презентации книг и библиографические обзоры. В частности прошли следующие мероприятия:*

*- книжно-иллюстративные выставки, посвящённые Дню утверждения Государственного герба Республики Узбекистан, Дню Независимости США, 410-летию художника Рембрандта, 70-летию писателя, поэта, драматурга О.Мухтора, Всемирному дню шахмат, 160-летию английского писателя, драматурга Б.Шоу, 90-летию писателя и журналиста М.Кариева, 75-летию народного писателя Узбекистана У.Хашимова, 145-летию американского писателя Т.Драйзера, 25-летию Независимости Республики Узбекистан, 95-летию народного поэта Узбекистана Шукрулло, 95-летию учёного математика В.Кобулова, 875-летию поэта-просветителя Низоми, 110-летию русского композитора Д.Шостаковича, а также выставка фото-работ о городе Шанхае;*

*- вечера памяти, посвящённые 75-летию народного писателя Узбекистана У.Хошимова, 75-летию народного артиста Узбекистана У.Алиходжаева, 90-летию народного хафиза Узбекистана Ф.Умарова;*


*- презентации поэтического альманаха ташкентских авторов «Над облаками мечты», каталога картин народного художника Узбекистана А. Нура и книг поэта Ш.Курбона «Меҳрингга зорман», «Эркин Воҳидов сабоқлари», «Ҳикматлар анжумани». ■*

# ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ ФОНДИГА КЕЛИБ ТУШГАН ЯНГИ НАШРЛАР



Қодирӣ, Абдулла. Меҳробдан чаён: роман / А.Қодирӣ. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – 328 б.  
ISBN 978-9943-03-693-2

Адабиёт – характерлар, образлар хазинасидир. Абдулла Қодирӣ ўзбек адабиёти образлар дунёсини характерлар галереяси билан бойитди. Адибнинг «Меҳробдан чаён» романидаги характерларнинг ҳар бири ўз қиёфаси, ўз тақдири, ўз тирикчилиги, ўз маишати билан билишга арзигулик сиймолардир.



Мухтор, Асқад. Чинор: Ривоятлар, ҳикоятлар, қиссалар / А.Мухтор: – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – 424 б.  
ISBN 978-9943-03-704-5

«Чинор» асари бир ўзбек оиласи ҳақида. Бу оила катта, қадимий, маданий, меҳнаткаш ва шу маънода «тагли-зотли». Унинг ҳар бир аъзоси халқ ҳаётида маълум бир масъулиятли юкни ўз зиммасига олган. Жонажон тупроққа чуқур томир ёйган, бақувват ва қадимий Чинор мангулик рамзи, халқимиз рамзидир.

Оила боши Очил бува сафари билан шартли равишда ўзаро боғланган қиссаларнинг ҳар бири мустақил ахлоқий-эстетик фикрни олдинга суради. Ҳикоятлар ва ривоятлар эса бу фикрларни қувватлаб, янада мустаҳкамлайди.

**Abdulla Qahhor. Anor. Qissa va hikoyalar.**  
**Abdulla Qahhor.:** - Toshkent: G'afur G'ulom  
 nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi,  
 2016. – 200 b.  
 ISBN 978-9943-03-381-8


Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла  
 Қаҳҳорнинг «Анор» деб номланган  
 тўпламига унинг энг машҳур қисса ҳамда  
 ҳикоялари жамланди.  
 Адибнинг бизга мерос қолдирган асарлари  
 ғоявий-бадиий жиҳатдан юксак савияда  
 ёзилган, у яратган образлар ғоят ранг-  
 баранг.  
 Азиз ўқувчилар, сиз ушбу қисса ва  
 ҳикояларини ўқиб, ёзувчи маҳоратига яна  
 бир бора қойил қоласиз, деган умиддамиз.


**Нормуродов, Абдурашид. Қонли йўрғақлар.**  
**Абдурашид Нормуродов.** – Тошкент: Янги  
 аср авлоди, 2016. – 512 б.  
 ISBN 978-9943-27-753-3

Улуғ шоирлару эътиқоди йўлида ҳеч  
 нарсадан қайтмайдиган саботли, танги  
 инсонларнинг бешиги бўлиб улғайтирган  
 муқаддас афғон тупроғининг бугунги кунда  
 қонли йўрғақка менгзатилиши бежиз эмас.  
 Ул диёр эндиликда оддийгина афғон юрти  
 эмас, бизнинг хужайра-хужайраларимизга  
 тарқаган оғриқли жароҳатлар, нолалар  
 гўшаси ҳамдир. Бу китоб ўша оғриқларнинг  
 миллиондан бир улуши сифатида  
 муаллифнинг юрагидан отилиб чиқиб, юрак  
 қони билан ёзилгандир, азиз китобхон!

**Шухрат Насырович Саламов (Shuhrat Barlas):**  
**Туркестан и Южный Кавказ XIX – XX вв.**  
**дашнаки от Ферганы до Карабах.** –  
 Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – 304 с.  
 ISBN 978-9943-27-631-4

В настоящем издании предлагается  
 вниманию читателя проблема завоевания  
 Российской империей Туркестана и  
 Кавказа. Трагические последствия  
 порабощения местных народов. Восточная  
 иллюстрация многоликих взаимоотношений  
 армянского фактора с тюркским миром. В их  
 истории красной линией прослеживается  
 роль великих держав и крупных  
 региональных государств, которые  
 используют армянский фактор-сателлит для  
 достижения собственных геополитических  
 целей, как в Туркестане, так и на Южном  
 Кавказе, в Малой Азии, где представлен





тюркский этнос.

**Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ал-адаб ал-муфрад. 3-жуз. «Hilol-Nashr media», 2016. – 464 б. ISBN 978-9943-44507-9**

Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг «Одоблар хазинаси» китоби Имом ал-Бухорийнинг машҳур «Ал-адаб ал-муфрад» китобига шарҳларидан навбатдаги жуз бўлиб, унда Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ахлоқ-одобга оид ҳадиси шарифлари зукколик ва самимият ҳамда тушунарли тил билан Қуръони Каримдан, ҳаёти дунё ҳодисаларидан мисол ва далиллар келтириш асосида китобхонга тушунтириб берилган.

**Иброҳимов, Абдурахмон. Бурунги болалар [Матн] / А.Иброҳимов. – Тошкент: Akademnashr, 2016. -304 б. ISBN 978-9943-995-54-3**

Абдурахмон Иброҳимовнинг илк йирик асари – «Бурунги болалар» ҳам ҳозирги тинч, осуда, хур замонда болалик наҳидасини суриб, юксак марралар сари интилаётган ёшларимизнинг ибрат олишлари, мустақил, эркин ҳаёт қадрига етишлари, шукроналик ҳиссини туйишлари учун бир туртки бўлса ажаб эмас. Асарда ўтган асрнинг сўнги чораги – мустабид тузум ич-ичидан емирила бошлаган пайтлар қаламга олинган.

**Толстой, Лев. Уруш ва тинчлик: роман-эпопея / Лев Толстой. Русчадан Абдулла Қаҳҳор ва Кибриё Қаҳҳорова таржимаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 976 б. ISBN 978-9943-27-380-1**

Роман-эпопея жанрининг шоҳ асарларидан бўлмиш мазкур машҳур «Уруш ва тинчлик» романи кўлами жиҳатидан дунё адабиёти ихлосмандлари томонидан юксак эътирофга сазовор бўлган. Бугун ушбу асарни жуда соғинган ва унинг янги нашрини интиқлик билан кутаётганлар кўп. Бунда, албатта, Толстой даҳоси ҳақида гапириш ўринли бўлади. Россиянинг Наполеон томонидан босиб олинishi мумкин бўлган бир вақтда бошқалардан ўзларини устун деб билган турли табақаларни душманга қарши кураш воситасида бирлаштирган. ■





## БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ КЕЛАЖАГИ

» **М**устақилликка эришгач, юртимиз сиёсатининг устувор омили – озов ва обод юртнинг эртанги кучлари бўлмиш ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялашга қаратилди. Уларни руҳан тетик, маънан юксак, заковатли шахс бўлиб етиштиришлари учун барча шароитлар муҳайё қилинди. Халқаро таълим тизимида алоҳида нуфузга эга бўлган жаҳоннинг бир қатор олий ўқув юртлари Ўзбекистонда ўз фаолиятини бошлади. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида нуфузли стипендиялар, мукофотлар жорий этилди. Истеъдодли ёшларга алоҳида эътибор бериш мақсадида манзилли тарзда замонавий Болалар мусиқа ва санъат мактаблари, спорт иншоотлари бунёд этилди. Бу каби ишларнинг бошида шахсан йўлбошчи бўлиб Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоом Каримов турдилар ва барча ёшларни ўз фарзандлари каби ардоқладилар. Мана бугун буй чўзиб, юртимиз эртаси учун хизмат қилаётган, таълим олаётган ёшлар шу меҳнатнинг меваларидир. Сиз, журналимизнинг ушбу сонида шундай юрт фарзандларининг китоб, билим ва кутубхона ҳақидаги фикрлари билан танишасиз.

» **М**ен ёшлигимдан китоб ўқишга қизиққанман. Мактабимиз кутубхонаси менинг энг сеvimли ва сирли масканим эди. У ерда мен ўқитувчилар берган топшириқларни бажарибгина қолмай, бадий адабиётларни ўқиб ўтиришни, хаёл суришни яхши кўрардим. Талаба бўлгач эса, Миллий кутубхонанинг доимий фойдаланувчисига айландим. Бу маскан ҳар доим ёшлар билан гавжум. Китобхонлар орасида талаба ёшларнинг кўплиги қувонарли ҳол, албатта. Кутубхонада 12 та зал мавжуд бўлиб,

ҳар бир ўқув зали ўзига хос эстетик руҳ билан жиҳозланган ҳамда китобхонлар ихтиёрига топширилган. Мен кўпроқ «Истиқбол» залида узоқ ўтираман. Бу зал ўзининг ихчамлиги, тинчлиги, осойишталиги ва менга зарур адабиётларнинг мавжудлиги билан ажралиб туради. Зал ходимлари очик чеҳрали ва қидирган маълумотларимга ўз вақтида жавоб топиб беришади. Мен кутубхона маъмурияти ва унинг аҳил жамоасига ўз миннатдорчилигимни билдираман.



**Арслон Саидов,**  
Тошкент Молия  
институтини талабаси

» **«К**андай турдаги китоб бўлмасин, у инсоният тамаддунининг ривожига беқиёс аҳамият касб этади», – деган эди Уинтсон Черчилль. Юқорида таъкидлаб ўтилган фикрлар замирида сўнмас бир ҳақиқат ётган бўлиб, у менинг талабалик остонасига қадам қўйган онимдан ҳаётини шиорларимдан бирига айланган. Бу билим манбаи бўлмиш кутубхонага у қайта ташкил топиши биланок аъзо бўлганман. Ўтган йиллар давомида кутубхона билан боғлиқ хотираларга эга бўлдим. Жуда кўп дўстлар орттирдим, билимларимни мустаҳкамладим. Бу ердаги шароитлар Европа стандартлари-

га тўла-тўқис жавоб берадиган қилиб жиҳозланган. Ёзнинг жазирама иссиғида салқин, тинч хоналарда ўтириб ўзимга керакли маълумотларни бемалол топишим мумкин. Ўз соҳамдан келиб чиққан ҳолда, ҳуқуқий адабиётларга кўпроқ мурожаат этаман. Бу китобларнинг кутубхонада инглиз ва рус тилида чоп этилган нашрлари мавжуд. Ҳуқуқий доирадаги билимларимни чуқурлаштириб мустаҳкамлашда улар беминнат ёрдам бермоқда. Президентимизнинг бизга яратиб берган бундай шароитларидан фойдаланиб, келажакда элимизга, юртимизга нафи тегадиган инсон бўлиб етишимиз шарт.



**Дилшод Бурхонов,**  
Тошкент давлат  
юридик университети  
талабаси



**Севара Ярашова,**  
Алишер Навоий  
номидаги Тошкент  
давлат ўзбек тили ва  
адабиёти университети  
талабаси

» **Б**у йил Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг талабаси бўлдим. Талабалик сафига қабул қилинишимда мана шу илм даргоҳининг ўрни ва роли жуда катта. Эшикдан кириб келишингиз билан сизни очиқ чеҳра ва мулойимлик билан кутиб олишлари, сизни қизиқтирган ва керак бўладиган китоб фонднинг мукамаллиги жуда беқиёс. Китоблар инсонларнинг энг яқин дўстлари ҳисобланади. У ҳеч қачон шикоят қилмайди ва нолимайди. Фақат кутубхонадагина ўзингизни хотиржам ҳис қилишингиз мумкин. Шу сабабли ҳозирги кунгача бу ерга тез-тез келиб тураман. Бу кутубхонада

билимларимни янада ошириб, ўз соҳамнинг устаси бўлишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман. Ушбу кутубхонада барча қулайликлар мавжуд бўлиб, ҳар бир қаватида ўзингиз истаган китобларни топишингиз мумкин. Айниқса, Алишер Навоий адабий мерослар зали менга жуда ҳам ёқади, чунки бу зал тинч, осойишта, қулай ҳисобланади. У ерда худди ўзга оламга тушиб қолгандек бўласиз ва бу сизга ўзгача руҳ бағишлайди. Шу сабабли кўпчилик ёшлар бу кутубхонага келиб, китобларни севишни, уларни ардоқлашни ўрганишади. Шунинг баробарида, шундай шароитни яратиб берган замонадан миннатдорлик, фахр-ифтихор туйғуларини ҳис қилишади.



**Бунёд Ирисметов,**  
абитуриент

» **Ч**ет тиллари ва компьютер тизимларини ўрганаман, айниқса, инглиз ва хитой тилларига қизиқишим катта. Бунга сабаблардан бири бу Ўзбекистон Миллий кутубхонасида танишган дўстларимдир. Чунки дўстларимнинг қизиқувчанлик билан чет тилларини ўрганиши менда тил ўрганишга иштиёқ уйғотди. Нафақат менинг қизиқишимда, балки бошқа минглаб мен тенги болалар қизиқишида илм олишимда ёрдам берди. Ҳақиқатан ҳам, мазкур кутубхонада Интернет тармоғида топиб бўлмайдиган илм манбалари жуда кўп. Мен Хитой университетларидан бирига хитой тилини ўрганишга борганимда инглиз тилида

яхши гаплаша олишимга кўплар ҳавас қилар эди. Ҳар доим хитойлик дўстларим қаерда инглиз тилини ўргангансан деб савол берганда, мен Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида деб жавоб берар эдим. Ҳозирда мен кутубхонада ўзимнинг хитой тили бўйича билимимни, мен тенги ва мендан кичик бўлган хитой тилини ўрганаётган кутубхона аъзолари билан бўлишарман. Шунинг айтиб ўтиш керакки, ушбу маскан ёш авлоднинг кучини бирлаштирувчи ва бунёдкорлик ғояларига олиб борувчи жой бўлиш билан бирга, яна бир бор куч бирликда эканлигини исботлайди.



**Муқаддасхон  
Турсунова,**  
Ўзбекистон давлат  
жаҳон тиллари  
университети  
талабаси

» **Б**угунги кунда давлатимиздаги кундалик, бирламчи масалаларидан бири бўлмиш чет тилларини такомиллаштириш мен каби ёш кадрлар зиммасига юксак масъулият юклайди. Зеро, мен талаба сифатида мана шу қатламнинг фаол аъзоларидан бириман деб ҳисоблай оламан, негаки шу йиллар оралиғида миллий кутубхонанинг серқатнов доимий фойдаланувчилари қаторида ўз мутахассислигим борасида кўплаб маълумотлар билан танишиб чиқдим. Амалиётда қўллаш билан биргаликда, билимларимни мустаҳкамлаб бордим. Яна бир бебаҳо афзалликлардан би-

ри, бу – кутубхонадаги инглиз тилидаги маълумотларнинг кенг қамровлигида. Бу ерда инглиз ва корейс тилларини ўрганишга етарли манбалар мавжуд. Айни шу қулайликлари тўғрисида ҳозирги кунда мен ўз тенгдошларимдан замонавий ҳамда мукамал кўникмаларга эга эканлигим билан ажралиб тураман. Умид қиламанки, келгусида кутубхонада янада кенг қўламдаги юксалтириш ишлари олиб борилиб, биз талаба ёшларни инновацион технологиялар билан таништиришда давом этиб бораверади. ■

**Ўқиш заллари | тоифали мутахассиси  
Зайнаб Тўтиева тайёрлади.**



# ОБУНА – 2017



## ОБУНА ИНДЕКСИ –1277

«INFOLIB» АХБОРОТ-КУТУБХОНА ХАБАРНОМАСИНИНГ ҲУДУДЛАРАРО ОБУНА БАҲОСИ ВА «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ

ҲУДУДЛАР	ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАР
Қорақалпоғистон Республикаси	(361) 222 88 68/63
Андижон вилояти	(374) 225 34 53
Бухоро вилояти	(365) 221 56 90
Жиззах вилояти	(372) 222 40 01
Қашқадарё вилояти	(375) 225 40 27
Навоий вилояти	(436) 223 26 86
Наманган вилояти	(369) 239 10 88
Самарқанд вилояти	(366) 234 22 53
Сирдарё вилояти	(367) 225 11 22
Сурхондарё вилояти	(376) 223 60 98
Тошкент вилояти	(371) 223 13 04
Фарғона вилояти	(373) 244 50 78
Хоразм вилояти	(362) 227 37 69
Тошкент шаҳри	(371) 233 75 49

## КЕЛГУСИ СОНДА:



«INFOLIB – 2016»  
МИЛЛИЙ АХБОРОТ-КУТУБХОНА  
ҲАФТАЛИГИ ЯНГИЛИКЛАРИ



«ТАК МНОГО ОН ХРАНИТ,  
О МНОГОМ ВАМ  
ПОВЕДАЕТ АРХИВ»



КИТОБ  
АСРЛАРНИ АСРЛАРГА,  
ЗАМОНЛАРНИ  
ЗАМОНЛАРГА  
БОҒЛОВЧИ ВОСИТА



МУЗЕЙЛАР ҚОШИДА  
АХБОРОТ-РЕСУРС  
МАРКАЗЛАРИНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ  
МАСАЛАЛАРИ



ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРГА  
БЕМИННАТ КЎМАКЧИ

